

ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ САМАРАДОРЛИККА ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШГА ТАЪСИРИ

**Файзиева Ш.Ш. –ҚМШИ,доцент
Мавлонов У.Х. –ҚМШИ, талаба
Очилов Х - ҚМШИ, талаба**

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти моделида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва уни мустаҳкамлаш, республиканинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини ривожланиши ва республика интеграцияси йўналишларининг жаҳон иқтисодиёти алоқаларида мустаҳкамланиши асосий ўрин эгаллайди. Маълумки, очиқ турдаги иқтисодиётнинг шаклланиши шароитида ривожланган ташқи иқтисодий алоқалар тизимида бўлган ҳар бир давлатнинг халқаро меҳнат тақсимотида ўз ўрнига, дунё хўжалик тизимида ўз мавқеига эга бўлиши муҳимдир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Аҳоли турмуш даражаси–давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонидир”. Шунга кўра, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар аввало инсон ва унинг манфаатлари учун амалга оширилиши лозимлиги белгиланган.

Аҳоли турмуш даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичларга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, демографик ва саломатлик кўрсаткичлари, таълим сифати, иш билан бандлик, уй-жой, сув, газ билан таъминланганлик, оиланинг ривожланиш даражаси, ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш, бюджетдан ижтимоий эҳтиёжларга харажатлар, аҳолининг даромадлари бўйича тақсимланиши каби кўрсаткичлар киради.

Аҳоли турмуш даражасини оширишда иқтисодий интеграциянинг аҳамияти катта. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минг йиллик декларациясида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий вазибаларига қуйидагилар киритилган:


- Очиқ ва ўта камбағалликни бартараф этиш;
- Ҳамманинг бошланғич таълим олишига эришиш;
- Болалар ўлимини камайтириш;

- Оналик муҳофазасини кучайтириш;
- Эркаклар ва аёллар тенглиги, аёллар ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш;
- СПИД ва бошқа хавфли касалликларга қарши кураш;
- Экологик барқарорликни таъминлаш

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий интеграцияси ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан бир қаторда аҳоли турмуш даражасини яхшилашга қаратилганлиги алоҳида аҳамиятга эга. Яртилган шарт-шароитлар негизида мамлакатдаги демографик ҳолат кўзга ташланади. 2008 йил якунига кўра Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси 27,3 млн. кишига етган.

Шундан, 18 ёшгача бўлганлар – 10,1 млн. киши (37%), меҳнатга лаёқатли ёшдагилар - 15,4 млн. киши (56%), меҳнатга лаёқатли ёшдан катталар – 1,8 млн. киши (7%) бўлиб, аҳолининг ўртача йиллик ўсиши - 385 минг кишини ташкил қилади. Аҳолининг табиий ўсиши (ҳар 1000 кишига) – 14 кишига тўғри келади. Республикамизда ўртача умр кўриш давомийлиги – 72,5 йилга тенг. Пенсия ва нафақа олувчилар сони – 3 млн. кишига етган.

Ўзбекистоннинг демографик ривожланиши прогнози



Таҳлилларга кўра, мамлакатимизда демогарфик кўрсаткичлар 100 йил мобайнидаги давр ичида олинган бўлиб, 1950 йилдан 2050 йилгача бўлган даврда демографик ҳолатни кўрсатади. Рақамлардан кўриниб турибдики танлаб олинган йиллар ўртасидаги ўсиш 2007 йилгача бўлган даврда ҳар йилига 50 фоиздан ошганлигини кўришимиз мумкин. Демак, иқтисодий интеграцияларнинг ривожланиши билан кейинги йилларда ушбу кўрсаткич ўртача 40-45 фоизга ўсганлигини кўрамыз.

Аҳоли ўртасида даромадларнинг тақсимланиши иқтисодиётнинг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади. Қуйидаги рақамлар орқали даромадларнинг жамланиш даражаси билан танишишимиз мумкин. Республикамиз бўйича 20 фоиз аҳоли даромадлари билан энг яхши таъминланган, 20 фоиз аҳоли эса даромадлари билан энг кам таъминланган ҳисобланади. Қуйидаги жадвал орқали мамлакатимиз бўйича меҳнат ресурслари ва уларнинг иш билан бандлиги тўғрисидаги маълумотлар билан танишамиз.

Меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги динамикаси

Кўрсаткичлар	1991 йил	2003 йил	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
Меҳнат ресурслари (млн. киши)	10,2	13,8	14,1	14,5	14,8	15,2	15,6
<i>Жами аҳолига нисбатан фоизда</i>	<i>49,0</i>	<i>54,8</i>	<i>55,1</i>	<i>55,4</i>	<i>55,8</i>	<i>56,3</i>	<i>57,4</i>
Иш билан бандлар сони (млн. киши)	7,5	9,6	9,9	10,2	10,5	10,7	11,0

Жадвал маълумотларига кўра, меҳнат ресурсларининг аҳоли сонига нисбатан ўсиши ҳамда иш билан бандлик кўрсаткичи мутаносиб равишда ўсиб борган. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ва самарадорликни оширишнинг устувор вазифалари бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобланади.